

Ishonch

2019 йил 24 сентябрь • сешанба • № 116 (4245)


Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Сурхондарё вилояти

Халқаро форум

«Жануб жавоҳири»нинг инвестицион жозибаси

Термиз шаҳрида «Open South International Business Forum II» халқаро бизнес-форуми бўлиб ўтди.



Ўринбосари Ф.Раҳимов сўнги йилларда мамлакатимизда қулай инвестиция муҳити яратилиб, соҳага алоҳида эътибор қаратилаётгани, иқтисодий тармоқларига тўғридан-тўғри хориж сармоясини жалб этишга кенг имконият яратилганлигини алоҳида таъкидлашди.

Афғонистон Ислом Республикасининг Балх вилояти волиси Муҳаммад Исҳоқ Раҳгузар, Тожикистон Республикасининг Хатлон вилояти ҳокимининг ўринбосари Ражабали Ражабов ҳудудларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, уни янада ривожлантириш истиқболларига атрафлича тўхталишди.

Тадбир давомида ҳудуддаги саноат, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги мавжуд инвестицион имкониятлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қадоқлаш ва сақлаш, тайёр тивувчилик маҳсулотлари, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Экологик, гастрономик, зиёрат, маданий кўнгулчор ва агротуризм каби янги сайёҳлик йўналишларни ривожлантириш бўйича инвестициявий ҳамкорлик

лойиҳалари ҳам тақдим этилди.

Форум асноси ўтказилган «B2G» ва «B2B» кооперацион биржа ҳамда сурхондарёлик товар ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари кўргазмаси давомида бир қатор муҳим иқтисодий келишувларга эришилди.

Иккинчи кун қатнашчилар Термиз туманидаги Ҳаким ат-Термизий, Шеробод туманидаги Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий мақбаралари ҳамда Фаётепа буддавийлик ибодатхонаси каби бир қатор диққатга сазовор жойларда бўлишди. Термиз шаҳридаги «Сурхон ипаги», «Жарқўрғон мева сабзавот», «Амудартектиль», «GOLDEN DRIED FRUITS» корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари, сифати ва ишчи-хизматчиларга яратилган шароитлар билан яқиндан танишишди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«ISHONCH»



ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИГА ЯНГИЧА РУҲ БАҒИШЛАГАН ҚАРОР

Чўлпон ота шаҳрида 2018 йилнинг сентябрь ойида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг олтинчи саммити бўлиб ўтган эди. Саммитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев фахрий меҳмон сифатида қатнашди.

Давлатимиз раҳбари Саммитда нутқ сўзлади ва ушбу халқаро тузилманинг келажатига катта умид, ишонч билан қарашини, Ўзбекистон унинг фаолиятида амалий жиҳатдан қизқиш уйғотадиган йўналишлар бўйича иштирок этишга тайёр эканини таъкидлади.

Унда 20 дан ортиқ давлатдан йирик сармоядорлар, компаниялар, халқаро молиявий ташкилотлар, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги дипломатик корпус ҳамда савдо уйлари

вакиллари иштирок этди. Форумнинг тантанали очилиш маросимида Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Боболов, Савдо-саноат палатаси раиси А.Икромов, Инвестиция ва ташқи савдо вазири

БЛОГЕРЛАР БУРЧАГИ

facebook



Бундай «кадр»лар қаердан келяпти?

Эрталаб ТВда кино беряпти. Бир парчасига кўзим тушиб қолди. Тўйи бўлмоқчи бўлган, ҳатто, узук тақилган қиз йигити билан тортишиб қолди.

Қиз: – Мараз, ит, – деди йигитга. Йигит ундан кечиб кетишини кутгандим. Аммо илтиги рост экан, ўша қизнинг орқасидан қолмади. Кинонинг қолганини кўрмадим.

Бизнинг ҳам оилада баҳслар, тортишувлар бўлиб туради. Лекин 25 йиллик турмуш давомида бирор марта бир-биримизнинг шахсиятимизга, нафсониятимизга, шаънимизга тегадиган ҳақорат гаплар ишлатмадик. На мен, на у киши ўртадаги пардани кўтариш учун биринчи қадамни ташлашга журъат қилолмадик.

Бир аёллар даврасида ўтирганимизда аёллардан бири турмуш ўртоғидан хафа бўлди. Юзига оиласидаги камчиликларни айтиб дилни оғритганидан ёзғирди. Шунда дугоналардан бири:

– Сен ҳам эрининг оиласидаги камчиликларни юзига айтиб ташламайсани, – деди. Эридан хафа бўлган аёл:

– Мен уни оиласидаги камчиликларни юзига у каби айтиб ташлайдиган бўлсам, кейин у киши билан яшамаслигимга тўғри келади, – деб жавоб берди.

Мен ҳам ҳар доим шундай ўйлаганман. Шунча ҳақоратли гапларни айтиб кейин қандай бирга яшаш, қандай бир-бирининг кўзига қараш мумкин. Айтилган гап, яъни отилган ўқни қандай чиқариб ташлаш мумкин кўнгулдан.

Хулосам шу бўлдики: кино яратувчилар – сценарист, режиссёр, актёрлар учун ҳали турмушга чиқмаган қизнинг йигитига «мараз, ит» дейишини КИНОга олиб чиқяптими, демак улар учун оилада, опа-сингил, ака-ука, эр-хотин бир-бирига «мараз, ит» дейиши табиий ҳол. Ҳар ҳолда менинг олашимда бундай КАДРбop сюжетлар йўқлиги учун шундай хулосага келдим.

«ЧАРМ ҚЎЛҚОП» усталарининг ёрқин ғалабаси

Бир неча кунки боксчиларимизнинг жаҳон чемпионатида қўлга киритган улкан ютуғи ҳақида юртдошларимиз фахрланиб, тўлқинланиб гапирмоқда.



Ҳа, ғурурланишга арзиғулик иш бўлди. Россиянинг Екатеринбург шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон «чарм қўлқоп» усталари 3 та олтин, 1 та кумуш ва 1 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни забт этишди.

Ифтихор

Баҳодир Жалолов, Миразиз Мирзахалилов ва Шаҳобиддин Зоиров давлатимиз байроғини баян қўтариб, мадҳиямиз янграшига сабабчи бўлишган бўлса, Дилшодбек Рўзметов кумуш, Бобоусмон Батуиров бронза медалига эга чиқишди.

Боксда «сўнги раунднинг сўнги сонияларида рақибининг кўпроқ «дўппосла», шунда ютиш эҳтимолинг ошади» деган эзилмаган қоида бор. Менимча, унинг боксчиларимизга асло дахли йўқ. Чунки, улар қайси раундда бўлмасин, рақибдан яққол устунлик қилишмоқда. Буни улар Осие ва Жаҳон чемпионатлари ҳамда олимпиада ўйинларида эришилган улкан ютуқлар билан исботлашди. Илгари боксда байроқдор бўлган давлатлар вакиллари ҳам бизга ҳавас қилишяётгани ҳам айти ҳақиқат.

Раҳмат сизга, ҳаммани ўзига, Ўзбекистонга қаратаётган, қадрдонлар!

Баракалла, юртини улуғлаган мард ўғлонлар!

Алижон АБДУРАҲМОНОВ,
«ISHONCH»

КУН НАФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мали Республикаси Президенти Иброҳим Бубакар Кейтани мустақиллик куни билан табриклади.

Президент Мирзиёев Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд ва валиахд Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол Саудни миллий байрам – Саудия Арабистони Подшоҳлиги эълон қилинган кун билан табриклади.

Президент Мирзиёев Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд ва валиахд Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол Саудни миллий байрам – Саудия Арабистони Подшоҳлиги эълон қилинган кун билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Арманистон Республикаси Президенти Армен Саркисян ва Бош вазири Никол Пашиняни миллий байрам – Мустақиллик куни муносабати билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Арманистон Республикаси Президенти Армен Саркисян ва Бош вазири Никол Пашиняни миллий байрам – Мустақиллик куни муносабати билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Арманистон Республикаси Президенти Армен Саркисян ва Бош вазири Никол Пашиняни миллий байрам – Мустақиллик куни муносабати билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Арманистон Республикаси Президенти Армен Саркисян ва Бош вазири Никол Пашиняни миллий байрам – Мустақиллик куни муносабати билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Арманистон Республикаси Президенти Армен Саркисян ва Бош вазири Никол Пашиняни миллий байрам – Мустақиллик куни муносабати билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Арманистон Республикаси Президенти Армен Саркисян ва Бош вазири Никол Пашиняни миллий байрам – Мустақиллик куни муносабати билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Арманистон Республикаси Президенти Армен Саркисян ва Бош вазири Никол Пашиняни миллий байрам – Мустақиллик куни муносабати билан табриклади.


Келгуси сонларда ўқинг!



Чаппа «Ш»нинг туриши тўғрими?



Панд бераётган пандуслар



«Сен кимнинг тролисан?»



Ферғона вилояти

Данғара тумани марказидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 1687 нафар ўғил-қиз гандбол, енгил атлетика, футбол, волейбол, стол тенниси, бокс, дзю-до, бадий гимнастика, баскетбол, кураш, қўл жанги каби спорт турлари бўйича 37 нафар мураббий қўл остида шугулланиб келмоқда.

МУРАББИЙ НЕГА ОШПАЗГА АЙЛАНДИ?

ёхуд таъмирталаб майдонлар ва ортиқча ҳужжатлар хусусида

Муассаса директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Бунёд Худойбердиевнинг таъкидлашича, ушбу спорт мактаби енгил атлетика ва гандбол спорт тури бўйича республикада ўз ўрнига эга. Натижалар билан танишиб, бунга ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик.



Афсуски, танишув асноси кўнгилни хира қилувчи ҳолатлар ҳам кўзга ташланиб қолди. Югуриш йўлагининг 100 метр қисми асфальт, қолган 300 метри шағал йўлакдан иборат. Гандбол майдончаси... Гўё ер харитасини эслатади. Таг қисми нотекис асфальт, ўт босган майдонда ёшлар қандай қилиб машғул ўтказаятганига ҳайрон қоласиз.



Гандбол майдони ва югуриш йўлаги реконструкцияга муҳтож, — дейди Б. Худойбердиев. — Ушбу спорт майдончалари ўтган асрнинг 86-йилида қурилган бўлиб, ўшандан бери муттасил фойдаланиб келинади. Айниқса, югуриш йўлаги талабга жавоб бермайди. Биласиз, ушбу тур баҳсларида тезлик муҳим ҳисобланади. Яхши натижаларни қайд этиш учун, аввало, югуриш йўлаклари талаб даражасида бўлиши лозим.

Гандбол майдони ҳам эътиборга муҳтож. Ҳозирда гандбол билан шугулланаётган ёшлар мослаштирилмаган майдонда, яъни баскетбол майдонида машғул олиб бормоқда. Сабаби, гандбол майдонида етарлича шарт-шароит йўқ. Мослаштирилмаган майдонда ўйнаган спортчи эса, ўз-ўзидан аёнки, ҳеч қачон ўз маҳоратини тўла на-

моён эта олмайди. Қойил қоладиган жойи шундаки, мана шундай муаммоларга қарамай, данғараликлар енгил атлетика ва гандбол спорт турлари бўйича мамлакатимизда ўтказилаётган мусобақаларда пешқадамлар қаторида. Муассаса раҳбарияти билан суҳбат асноси спорт мактабида мута-

хассислар етишмаслигидан хабар топдик. Бунинг биринчи омили маошнинг камлиги бўлса, иккинчиси тренерлик фаолияти билан шугулланиш учун руҳсатнома олиш билан боғлиқ қийинчиликлар талайгина экан.

Айни пайтда спорт мактабида бокс мураббийлигига 1 нафар, бадий гимнастикага 2 нафар, баскетболга 2 нафар, қўл жангига 2 нафар, курашга 2 нафар мураббийга эҳтиёж бор. Лекин мутахассислар маош 700-800 минг сўмлигини эшитиб, бу ерда ишлашдан кўра, мактабларда ишлашни маъқул кўришмоқда.

2014 йилдан жорий этилган қоидага кўра, спорт мураббийлари тренерлик фаолияти билан шугулланишлари учун ҳар 3 йилда синовдан ўтишлари керак. Иمتиҳондан ўтиш даври келган му-

тахассис, биринчи навбатда, энг кам ойлик иш ҳақи миқдориди (бу ҳозирги кунда 223 000 сўм) тўловни амалга ошириши лозим. Биринчи босқичда мутахассисга 40 та тест саволи берилди. Бунда мураббий камиди 22 балл тўплаши лозим. Шундан кейин мураббийга фаолият юритиши учун сертификат берилди. Иمتиҳондан ўта олмаган мураббий эса яна тўловларни амалга ошириб, қайта имтиҳонга кириши мумкин.

— Мураббийларни бездирган нарсаси тест саволларининг 80 фоизи тиббиётга оидлигидир, — дейди суҳбатдошимиз Б. Худойбердиев. — Айнан шунга кўра, кўпгина тажрибали мураббийлар ҳам тестдан ўта олмай, ишдаш бўшашига тўғри келмоқда. Узоққа бормаёлик, шу ерда 35 йил давомида ёшларга футболнинг сир-асрорларини ўргатиб келган, ўз даврида олий лигада тўп сурган жуда катта тажрибага эга Мухтор Очилдиев ҳам сертификат олишдаги тест саволларига дош беролмади. Қонун-қоида ҳаммага баробар. Ноилоҳ, бой тажрибага эга мураббий билан шу йилнинг июнь ойида хайрлашдик. Ҳозирда у ошпазлик қилмоқда. Яна бир тажрибали футбол мураббийи Карим Мавлонов ҳам сертификат оломай, устачилик қияпти. Аслида, бизга мана шундай малакали мутахассислар жуда керак.

Кўриниб турибдики, спорт мактабида ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Умид қиламизки, соҳа мутасаддилари бу ердаги муаммоларни ўрганиб чиқиб, спортчи ёшларнинг юксак марраларни эгаллаши учун барча шароитларни яратиб беришади. Зеро, ҳеч нарсасиз мамлакатни спортчилик тез дунёга тез танита олмайди.



Жамшид ЭРГАШЕВ, «Ishonch»

Мулоҳаза



Хоразм вилояти

Қадр



Томчисида ҳаёт мужассам

Сув ҳаёт манбаи эканини англаш учун файласуф бўлиш шарт эмас. Аммо негадир, ундан оқиллона фойдаланиш зарурлигини ҳамма бирдай англаши осон кечмаяпти. Гарчи, ер юзининг қарийб тўртдан уч қисми сувдан иборат бўлса-да, дунё аҳолисининг 40 фоизи тоза ичимлик суви етишмаслигидан азият чекмоқда. Маълумотларга кўра, Ўзбекистон сув танқислиги бўйича дунёдаги 164 мамлакат рўйхатида 25-ўринда туради. Ҳа, тоза сув муаммоси бизга ҳам бегона эмас. Айниқса, Оролбўйи ҳудудида...

БИЗ ҚАНДАЙ СУВ ИЧЯПМИЗ?

Бугунги кунда Хоразм вилояти аҳолисининг қарийб ярми артезиан қудуқларидан фойдаланади. Мутахассисларнинг фикрича, бундай сувларнинг шўр ва қаттиқлиги юқори даражада бўлади. Вилоятда истеъмол қилинаётган сув қаттиқлиги 20 мг-экв/дм куб ва ундан ҳам баланд ҳолатлар аниқланган. Ичимлик сувининг умумий қаттиқлиги 7 мг-экв/дм кубгача бўлганида истеъмолга яроқли ҳисобланадиган инобатга оلسак, вазиятни англаш қийин эмас. Шифокорларнинг айтишича, сифатсиз сув истеъмол қилиш қатор касалликлар, жумладан, ич терлама, сальмонеллез, вирусли гепатит (А, В, Е), ўткир ичак инфекциялари каби юқумли, шунингдек, флюороз, кариез, ўт ва буйрак тоши, бўғимларда туз тўпланишига сабаб бўлади. Дарҳақиқат, бундай ҳасталиклар билан Оролбўйи аҳолиси юртимизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан кўпроқ чалинишади.

теъмолчилари уюшмаси 2300 гектардан зиёд майдонни сув билан таъминлашга хизмат қилади: 15 та пахтачилик ва галлачилик; 8 та боғдорчилик; 2 та қорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолият кўрсатувчи ушбу ҳудудга 6,9 километр узунликдаги Бўзёп канали орқали сув келади. Лойиҳа доирасида «Бўзқалъа» сув истеъмолчилар уюшмаси биноси таъмирланиб, керакли жиҳозлар билан таъминланган. Канал тозаланиб, секундига 500 литр сув тортиш қувватига эга 2 та насос ўрнатилган. Ҳудудда 15 та сув ўлчаш ускунаси ишлаб турибди. Келгусида яна шунча олиб келиш мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, Дарёлик-Арна каналдаги насос станцияларининг бошқаруви таъминлаш мақсадида янги энергия таъминоти тизими барпо этилмоқда. Натижада йилга 1 миллион 123 минг кВт/с электр энергиясини тежаш ҳамда қарийб 5000 гектар майдонни сув билан таъминлаш имкони пайдо бўлади.

Лойиҳа доирасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётганига гувоҳ бўлдик.

НЕЪМАТГА ҲУРМАТ БИЛАН

Кўзланган натижага эришиш учун ҳар биримиз сувдан самарали фойдаланиши ўрганишимиз керак. Шунинг учун ҳам дастур ижрочилари барча тадбирларда суви ҳурмат қилишга ундашмоқда. Дарҳақиқат, ҳаётимиз бевосита сув билан боғлиқ экан, уни эъзозлашимиз, унга ҳурмат билан муносабатда бўлишимиз шарт.

— Аллоҳ таоло Қуръони Каримда суви ҳаёт манбаи қилиб қўйганини таъкидлаб қўлбал оятлар нозил қилган. Жумладан, «Биз осмондан барокотли сув — ёмғир ёғдириб, унинг ёрдамида боғ-роғларни ва ўриб олинувчи дон-дунларни ҳамда тизилган (мева) новдалари бўлган баланд хурмоларни ундириб ўстирдик. Бандаларга ризқ бўлсин учун (мана шундай қилдик). Яна у сув ёрдамида ўлик шайларни — ерни тирилтирдик. (Ўликларнинг ўз қабрларидан қайта тирилик) қишларни ҳам мана шундай бўлур» («Қоф» сураси 9-11-оятлар), дейилган, — дейди Амуударё туманидаги «Нўғай эшон» жоме масжиди имом хатиби Уктам Қурбонниёзов. — Дарҳақиқат, биз сув билан тирикчимиз. Нафақат чучук, балки, шўр сув ҳам бир неъмат. Улаомларнинг айтишича, агар денгиз ва уммон сувлари шўр бўлмаса, ер атмосфераси бадбўй бўлиб кетар эди. Инсоннинг кўз ёши шўр бўлмаса, кўзнинг ичидаги ёшлар ҳам ҳидланиб кетган бўлар эди. Аллоҳ тасолонинг қудратини қарангки, шу биргина кўзнинг ичида ҳам шўр, ҳам чучук суви яратиб қўйибди. Кўз ёши шўр, қорачиқнинг суви эса чучук, аммо бир жойда туриб, бир-бирига аралашиб кетмаслиги буюк илоҳий қудратдир. Қорачиқнинг суви чучук бўлмаса, кўз кўрмайди. Кўз ёши шўр бўлмаса, қорачиқ ва унинг атрофидаги ёғ узоқ сақланиб турмайди, тезда айниб кетади.

Ҳа, сув — бизга ато қилинган буюк неъмат. Унинг ҳар бир томчисидида ҳаёт мужассам. Бу томчиларни ҳаётни асрагандек асрашимиз, қадрлашимиз ва самарали фойдаланишимиз керак.



Муҳаббат ТЎРАБОЕВА, «Ishonch»

БОЛАНГИЗНИНГ АЖНАБИЙ «ДЎСТИ»

ёхуд қўғирчоқлар фақат овунчоқ эмас...



Самарқандга зиёрат борганимда Регистон майдонидан қизларимга атаб хунармандларнинг миллий ўрфда тайёрлаган қўғирчоқларини олиб келдим. Орадан бир неча кун ўтиб, қизалоқларим кўчадан йиғлаб келди. Мен олиб келган қўғирчоқларни кўрган қўшни болалар махсусралишди. Қизларим «заводской» қўғирчоқ олиб берасиз», дея хархаша қилишди. Ноилоҳ, уларга болалар дўконидан бошқа қўғирчоқ олиб бердим. Зиёратдан олиб келган қўғирчоқлар эса шу-шу тоқчада турибди...

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мактаб ёшигача бўлган болаларнинг камол топишида ўйинчоқлар беқибс аҳамият касб этади. Жумладан, дунёқарашни кенгайтиради, сўз бойлигини шакллантиради, мулоқот қилишга ўргатади. Чунки ўйинчоқлар образи бола тасаввурини бир умр сақлаб қолади. Ўз-ўзидан аёнки, миллий руҳ билан сугорилган ўйинчоқлар фарзандларимизни буюк аждодларимизга муносиб авлод этиб тарбиялашга ёрдам беради. Лекин хорижда ишлаб чиқарилган ва турли йўللар билан юртимизга олиб келинган, бугунги кунда бозор расталарида сотилаётган ажнабий ўйинчоқларнинг аксарияти ҳақида бундай дея оламимиз.

— Машина, фотоаппарат, дурбин, тикувчилик дастгоҳи, учинч воситалари каби ўйинчоқлар ўғил-қизларнинг техника тузилиши ва кўринишига оид тасаввурларини бойитса, қурилиш, конструкторликка доир ўйинчоқлар болаларнинг айна шу соҳаларга доир билимларини оширади, — дейди Мирзачўл туманидаги «Бинафша» мактабгача таълим муассасаси раҳбари Хурсаной Норма-

това. — Ранги ва тузилишига кўра йиғиладиган ўйинчоқлар хотирани мустаҳкамлашади, спортга доир ўйинчоқлар улағиб келаётган авлод вакиллари-нинг саломатлигини яхшилаш ва жисмоний тарбияга бўлган қизиқишларини кучайтириш учун хизмат қилади. Қизалоқларни санъат оламига етаклайдиган қўғирчоқлар инсонда ғамхўрлик туйғусини шакллантиради. Кўз олдингизга келтиринг, қизингиз қўғирчоқини овқатлантиряпти, кийимини алмаштиряпти. Касал бўлиб қолса, даволаш йўллари-ни қидирипти. Қисқа қилиб айтганда, у меҳрини намоён этмоқда, қўғирчоқини фарзанд ўрнида кўрапти.

Аммо ўтган асрда ушбу ўйинчоқнинг янги тури — «Барби»лар пайдо бўлди. Психологлар фикрига кўра, мазкур қўғирчоқлар ҳам болада ғамхўрлик ҳиссини уйғотади. Аммо ушбу туйғу қизалоқларда ғамхўрликнинг бошқа кўринишини шакллантираб экан. Хусусан, «Барби»да аёлларга хос ташқи белгилар бурч-тириб намоён этилган. Ушбу ўйинчоқлар жамланмасида «Барбининг уйи, кийими, дугоналари, турмуш ўртоғи... хушторлари бор. Табиийки, бундай етуқлик ёшидаги «қизини» белан-чакка солиб бўлмайди.

Аксинча, уни кийинтириш, бўянтириш, «йигитлари» билан учрашувга олиб чиқиш керак. «Барби» бусиз ҳам шошқин замонда болаларимизни эрта улағйтириб қўяётгандек, назаримизда. Хуллас, у билан «Она-бола» ўйинини ўйнаб бўлмайди.

Тўғри танланган ўйинчоқ боланинг дўсти, суянчиги ёки эрмагига айланаши мумкин. Оиладаги муҳит, ёш орасидаги фарқ, тортинчоқлик каби сабаблар боис кўпчилик болалар ёши катталар билан мулоқотга кириша олмайди. Уларнинг кичикларга доим ниманидир ўргатиши, тушунириши, қоида ва меъёрларга бўйсунгани талаб этиши муомалани қийинлаштириши мумкин. Ўйинчоқлар орасида бола ўзини катталардек тутайди, эркинроқ ҳис қилади. Улар билан суҳбатлашади, топшириқлар беради, жазолайди, яна ҳам аникроғи ва асосийси, ўйин қоидасини белгилайди. Бу ҳам бола учун етишмаётган муҳитни юзага келтириш, ундаги ижобий хусусиятларни юзага чиқариш учун хизмат қилади.

Мазкур мавзунинг қаламга олишдан аввал ўйинчоқ дўкониди бўлиб, ота-оналарнинг фарзандлари учун қандай ўйинчоқлар олиши билан қизиқдик. Қизлар учун асосан қўғирчоқлар, ўғил болалар учун эса машиналар харид қилинар экан. Кичик ёшли болалари

учун ота-оналар асосан конструкторлик ўйинчоқлар олишади. Бу қувонarli ҳол, албатта.

Аммо қўғирчоқлар орасида чайқалиб турадиган одам скелети, бир кўзли махлук, жуда очик кийинган қўғирчоқ каби маънавиятимизга зид «ўйинчоқ»лар ҳам бор. Ярим яланғоч кийимли қўғирчоқлар орқали болалар кийиниши маданиятдан сабоқ олишадими ёки уларга инсон танаси тўғрисида батафсил маълумот бериш кўзда тутилганими? Дахшатли қўғирчоқлар кичкинтойларни кўрқитиш мақсадида тайёрланган бўлса ажаб эмас. Бундан мақсад, болада ҳар қандай ноодатли вазиятга, кўрқинчли ҳолатларга мослашиш кўникмаларини шакллантиришими?

Хуллас, саволлар кўп. Аммо инсоннинг дунёқараши унинг кичиклигида шаклланишини ҳисобга оلسак, масалага жиддий қараш зарурлигини англаймиз. Балки ваҳима кўтаришга на ҳолат, буёғи тараққиёт, замон ўзгаришти дерис. Аммо гап фарзандларимиз, уларнинг эртаси ҳақида борапти. Тасаввур қилинг, йиллар ўтиб оилангизда на қарашлари, на қадриятлари сизга мос инсон пайдо бўлди. Унга суянчи уёқда турсин, келишиб ашай оласизми? Халқимизнинг тарбиялашга хизмат қиладиган ажойиб қадриятлари бор, уларни йўқотиш миллийлигимизни, ўзлигимизни йўқотишдир.

Шу маънода, ёши кичик боламизнинг ўйинчоқлар оламини тарқ этиб, эрмаги телевизор, телефон, компьютер бўлиб қолганига қувонмайлик. Айни шу матоҳлар уларни биздан узоқлаштириб, одамлар билан мулоқотини чегаралаб қўймаётими? Интернетда, баъзи хориж телеканалларида намойиш этилаётган лавҳалар, анимацион ва бадий фильмлар олдида дахшатли ўйинчоқлар, шарманда қўғирчоқлар ҳеч нарсасиз, дегувчилар топилар балки.

Аммо... болалигиданоқ фарзандларимизни онга қилинаётган хуружлардан, «ғоя»лардан ҳимоялайлик. Гап болаларимиз, эртанги кунимиз ҳақида борар экан, улардан эътиборимизни аймайлик. Улар учун ўйинчоқ харид қилётганда сифати, соғлиқ учун безарар эканига аҳамият берайлик.



Муқимбой ИСМОИЛОВ, «Ishonch»

ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИГА ЯНГИЧА РУХ БАҒИШЛАГАН ҚАРОР

1 Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йил 14 сентябрь кuni «Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимини (Нахичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонунни имзолади. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро тузилма доирасида ҳамкорликни фаол қўллаб-қувватлаш тарафдори эканини яна бир бор тасдиқлади.

Ўз навбатида, ташкилотга аъзо давлатлар Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига киришини мамнуният билан қарши олди.

Хусусан, Озарбайжон Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистоннинг Нахичеван келишувини ратификация қилиши Туркий тилли давлатлар бирдамлигини мустаҳкамлашда наватдаги муҳим воқеа эканини эътироф этди.

«Ўзбекистон Республикасининг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик

Кенгашига аъзо бўлиш қарори кўп асрлик маданий, тарихий алоқалар, қардошлик муносабатларини янада ривожлантириш, туркий тилли давлатлар манфаати ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Боқудан 15 октябрь кuni Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг навбатдаги саммитида Ўзбекистон делегациясини қарши олиш биз учун улкан шарафдир», дейилади Озарбайжон Ташқи ишлар вазирлиги баёнотида.

Шунингдек, ушбу муҳим воқеалик муносабати билан Қирғизистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳам расмий баёнот билан чиқди. Унда мамлакатимизнинг ушбу нуфузли Кенгашига қўшилиши олқишланади.

«Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига расмий қилаётган Қирғизистон Ўзбекистоннинг бу борадаги қарорини юқори баҳолайди. Шубҳасиз, Ўзбе-

кисстоннинг мазкур тарихий қадамлари ташкилот фаолиятига янги раҳ бағишлайди ва туркий тилли давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда алоҳида аҳамиятга эга» дея қайд этилади Қирғизистон ташқи сиёсат маҳкамаси баёнотида.

Қозғоғистон Ташқи ишлар вазирлиги эса бу борадаги Ўзбекистон интилишларини куйидагича баҳолайди:

«Ўзбекистон ташкилот аъзолигини қўллаб-қувватлаши юзасидан баёнот берди. Турк дунёси учун ўта муҳим бўлган мазкур қарор Нахичеван Битимининг 10 йиллиги байрам қилинаётган санага тўғри келди. Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзолиги борасидаги қарор 2019 йилнинг 15 октябрь кuni, Боқудан ўтадиган навбатдаги саммит чоғида қабул қилинади».

Туркия ҳам Ўзбекистонда «Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини

тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимини (Нахичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонуннинг имзоланишини мамнуният билан қутиб олди. Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиши туркий тилли мамлакатлар бирдамлигини мустаҳкамлаш, ҳамкорликни чуқурлаштириш имконини беришини қайд этди.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши турк дунёси мамлакатлари мулоқоти ва ҳамкорлигини ривожлантириш учун ташкил этилган халқаро платформадир. Ташкилот Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида 2009 йилнинг 3 октябрыда Туркия, Озарбайжон, Қозғоғистон ва Қирғизистон иштирокида тузилган эди. Унинг фаолияти тамойиллари 2016 йил 16 сентябрдаги Истанбул декларациясида эълон қилинган.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ,
ЎЗА муҳбири

Биринчи китобим



Ёшлик ранглари

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг «Биринчи китобим» лойиҳаси доирасида 22 нафар ёш ижодкорнинг китоби чоп этилди.

Мазкур китоблар лотин ва кирилл алифбосида нашрдан чиқди.

Тақдирот маросимида шоир ва ёзувчилар, публицистлар, адабиётшунос олимлар, драматург ҳамда таржимонлар иштирок этди.

Китоблари чиққан ёшларнинг кўлемлари Республика ёш ижодкорларининг Зомин ва «Истеъдод мактаби» семинарларида нашрга тавсия этилган.

Бу ёшларнинг шеърларини ўқиб қатор янгиликларни кўраман. Барчасида ҳозирги замон нафаси фуриб турибди. Уларнинг биз кўрмаган, хаёлимизга келмаган жиҳатларни илғаяётган

нидан хурсанд бўламан, — деди Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон. — Айниқса, болалар адабиёти йўналишида ижод қилаётганларни асло назардан қочтирмайман. Уларда ҳақиқий истеъдод меҳнат билан уйғунлашган. Демак, ўз устиди ишлаяпти. Насиб этса, келажакда етук ижодкорлар бўлиб етишади. Барчасига дастлаб ота-она, оила, туман, охир-оқибатда юртимиз, миллатимиз фахри бўлиб юришларини тилайман.

Тақдиротда ёш ижодкорларга ўз китоблари ва қалам ҳақи тантанали равишда топширилди.

Абду РАҲМОНОВ

Анжуман

Республика Маънавият ва маърифат марказида «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари ғояси асосида республикамизда маънавий-маърифий соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришни долзарб масалалари» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт намояндлари иштирок этди.

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

Анжуманда сўз олганлар маънавият масалаларига тўхталиб, мамлакатимизда мазкур соҳани тубдан ривожлантириш борасида тизимли ишлар амалга ошириладиганини айтиб ўтишди.

— Тафаккурни ўзгартириш билангина инсонни ўзгартириш мумкин. Бу эса тарбияни, тизимни ўзгартиришни талаб этади. Сўнги икки йил мобайнида оила, мактабга таълим муассасаси ҳамда мактабда тарбия тизими, методикасини ўзгартириш, шу орқали халқимиз дунёқарашини ўстириш мумкинлигини англадик, — деди Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси раҳбари Алишер Қодиров. — Бугун мактабларда фақат таълим эмас, тарбия ҳам бериб борилиши лозим. Зеро, маънавият маскани жамиятни бир мақсад атрофида бириктиришнинг пойдевори бўлиб хизмат қилади.

— Жамиятимиз кундан-кун

ўзгариб, янгиланиб борапти. Маънавият ва маърифат маркази юртдошларимизда ана шу ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини уйғотишда асосий куч соқибланиди, — деди «Ўзбекино» Миллий агентлиги раҳбари ўринбосари Шухрат Ризаев.

Анжуманда маънавият ва маърифат йўналишидаги зулуксиз тизим асосида фаолиятни тақомиллаштириш, тарғибот тадбирлари самарадорлигини ошириш, соҳага оид долзарб тадқиқот ишларини ташкил этиш, қўлланма ва адабиётлар яратиш, бу борадаги фаолиятни мувофиқлаштириш, халқимиз мамлакатда олиб бориладиган улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларининг фаол иштирокчиси бўлишига эришиш борасида муҳим тақдирот ва мулоҳазалар билдирилди. Ҳамжihatликда амалга ошириладиган долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Мухаббат УБАЙДОВА

Назорат

Митти ҳикоялар



Қора тамға

Болалигида битта думтис товуқ туйфайли Турсунбой ўғри деган ном орттириб олган одам бошқа элатларда олтимиш йилдан ортиқ яшаб, хеш-ақраболарини кўриш учун қишлоғига келди.

Саволлар кўп бўлди: «Қайси Турсунбой?», «Турсунбой ямоқчими?», «Турсунбой соллотми?». Жавоб эса: «Турсунбой ўғри!».

Турсунбой бува иккинчи кuni эрта тонгда ортига қайтди.

Узилган қарз

Икки оёғи шол бўлиб, анчадан бери бир жойда ётган Юсуфали бува магазинчи Усмонбекнинг вафот этганини эшитиб фотиҳага бораман, деб туриб олди. Ўғли ноилож қўшинисининг эшагини олиб чиқди. Чолни кўплашиб, эшакка аранг миндиришди.

Юсуфали бува Усмонбекнигина етиб келди. Эшакда ўтирганича фотиҳа қилди. Марҳумнинг ўғли Султоналини олди чақириб, алланималар деди ва ортига қайтди. Султонали унинг кетидан анча вақт қараб қолди.

Юсуфали бува қайтиб келиб халачўп билан қўшинисининг эшигини тақиллатди. Қўшни чиқди. Чол ҳаммани ҳайрон қолдириб эшакдан ўзи тушди, бир икки қадам босди ва «Ие, юрпамми?» деб юборди.

У магазинчи Усмонбекдан кўп йиллар олдин қарзга олган бир қоп унинг пулини Султоналига қайтарган эди.

Мухаммад ТОШБОЛАЕВ,
профессор

Дугоналаримдан бири тўйга айтганди. У яхши оиллага келин эди. Ҳар икки томонни ҳурмат қилганим боис, бир оз кечиксам-да, номдор ресторанлардан биридаги тантанана етиб бордим.



Татимаган тўй...

Ўғиллар шарафига бағишланган меҳмондорчилик овжиди. Аммо меҳмонлар озлигини кўриб, «анчагина кечикибман», деган ички хижолат билан тўйбошиларни табрикладим. Негадир, дугонамнинг ҳам, турмуш ўртоғининг ҳам кайфияти йўқроқдек. Елғон «кўлги» билан яширишга уринишса-да, кўзларидида ифода қандайдир жиддий воқеа юз берганини намойиш этмоққа ҳозирлангандек.

Дугонамнинг ота-онасини неварга тўй билан қутлаб, совғаларимни бердим. Негадир, куёвнинг яқинларини топа олмадим. Хизмат билан юришгандир деб ўйладим. Аммо...

— Қуда бува билан қуда хола қанилар? Қайинсингил, қайноғаларинг кўринмайди? — суриштирдим охири.

— Э, сўрама! Келишмади! — қўл силтади дугонам.

— У нима деганинг? Нега келишмайди?! — дедим таажжубда.

— Тўйни ресторанда ўтказамиз, деганимиз ёқмади. Ҳовлида юзлаб одамни кузатишга тоқатим борми?! Эримга айтганим, шу ресторани гаплашди. Қай-

нотам эшитиб, бирман тушди... Хуллас, тўйни уйда қилмасанлар, бормаймиз, дейишувди, ялиниб ўтирмадик. Мана, уларнинг ҳам бир чиройли ўлғатпи, ҳеч ким маломат қилгани йўқ.

— ... Ота-онанг ҳеч нарса дейишмадими? — шивирладим унинг юзсизлигидан лол қолганимдан.

— Яхшиям, ота-онам бор экан! «Сижилманлар, улар келишмади, мана, биз бормиз!» деб кўнглимизни кўтаришди.

Томоғимдан чой ҳам ўтмай ўтириб қолдим. Дугонам эрига қўшилиб рақс ташаббатларининг бошидан пул соча бошлади. Ўғли тўй

қилаётган кунда тантана бошида туролмаганидан эзилган ота-онанинг аҳволини кўз олдимга келтириб, қаердалигимни унутган эканман, бировнинг қаттиқ-қаттиқ гапирганидан ўзимга келдим.

— Э, келиннинг отаси одам-подам эмас экан! Хўп, куёви қизининг гапига килириб, аҳмоқлик қилибди, капкатта одамларни нима жин урган. «Падарингни оғринтириб, тўй қилма», дейиш ўрнига «Ҳа, баракалла!» деб ёшларни бир умрлик гуноҳга ботирибди-ку?! Энди нима бўлади, а?! Бу болани ўқитиб, эл қаторига қўшгунча ота-онаси неча йиллар уринди.

Вақти келса тузук емади-ичмади, борки яхши нарсаларни ўғлимга, деди. Бу нодон эса қўли пул кўриб, бадавлат бўлганда вояга етказганлари дуосисиз элга дастурхон ёзибди-я...

Бу ҳолат кўпчилигининг қўлига етди, шекилли, тўйхонани тарк этувчилар кўпайди.

Мен ҳам ичим тўкилиб, уйга кетдим.

Йўл бўйи бировга айтса ишонини қийин, лекин ўз кўзим билан кўриб гувоҳ бўлган воқеани таҳрир қилиб кетдим. Ҳозир ота-она қай аҳволда экан? Ў-не умидлар билан ўғил ўстирган, сунячиқ бўлишига беҳад ишонган, уйлангунича сўзини икки қилмаган ҳам яхши тарбия кўрган, деб адашибман. Чамаси, у кейинини ўйламай шу ишларни қиляпти...

Тўй ахир элнинг дуосини олиш учун ўтказилмайдими? Ота-она дуосисиз эл дуоси бутун бўлармикан?..

Назокат БАҲОДИРОВА,
журналист

Бозор дарвозасидан қайтган қовунлар...



Бугун бозорларимиз расталари ноз-неъматлар билан тўла. Таъбир жоиз бўлса, анқонинг уруғини ҳам топса бўлади. Аммо кўнглини хира қиладигани: яроқсиз ҳолга келган маҳсулотни ҳам харидорни чалғитиб сотиш ҳаракатида бўлаётганлар...

Фарғона шаҳридаги «Марказий деҳқон бозори» лабораториясига бориб, баъзи нохуш ҳолатларга сабаб бўлаётганларга қандай чора кўрилади?

гани ҳақида суриштирдик. Мисоллар кўп. Хулосани ўзингиз чиқарасиз...

— Яқинда Кува туманилик Аъзам Қурбонов 1 тонна 700 килограмм қовун олиб келди, — деди лаборатория мудири Акрамжон Урмонов. — Текширувда 26 дона қовун таркибиде нитрат моддаси кўплиги аниқланди. Ушбу яроқсиз маҳсулот

сотувдан чиқариб ташланди. Ёзёвонлик Алижон Деҳқоновнинг 1,5 тонна қовуни текширилганда, 10 дона нитрат моддаси ортиқчилиги аниқланиб, йўқ қилинди. Шунингдек, Тошлоқ туманилик Шоқир Алимов ва Ёзёвонлик Аҳмадали Раҳмонов сотиш учун олиб келган қовунларидан 150-200 килограмми си-

фатсизлиги сабабли бартаф этилди. Иссиқ кунларда тез айнийдиган полиз, мева, сут, гўшт ва гўшт маҳсулотларини кунда текширувдан ўтказиб, сўнгра бозорга киритамиз. Мақсадимиз битта — халқимиз соғлигини муҳофаза қилиш.

Матлуба ТОЖАЛИЕВА,
журналист

МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт — (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишlash — (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Баҳоис келишилган нарҳда.

Таҳририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
Банк номи: 00959, СТИР: 201133889, ОКДЗ: 58130

Худудлардаги муҳбирлар:

Коракяллоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22
Андижон — (+998-99) 889-90-23
Бухоро — (+998-99) 889-90-31
Жиззах — (+998-99) 889-90-34
Наманган — (+998-99) 889-98-02
Навоий — (+998-99) 889-90-28
Тошкент — (+998-99) 889-90-25
Самарқанд — (+998-99) 889-90-26
Сирдарё — (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё — (+998-99) 889-90-32
Фарғона — (+998-99) 889-90-24
Хоразм — (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда маъна сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

С. Абдурахмонов

Мусахҳих:

С. Шодиева

Саҳифаловчи:

Х. Абдужалилов

ЎЗА яқуни — 21:40

Топширилди — 22:00

Газета офсет усулида,

A-2 форматда босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

Буюртма Г — 917.

28020 нусхада босилди.

Нашр кўрсаткичи: 133